



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 2 апрель,
№29 (996)

www.mahallagzt.uz

info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фаолият мувофиқлиги — самарадорлик омили

Кейинги йилларда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳоли-ни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оила-вий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунинг-дек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан таъ-сирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида фуқаро-лар йиғинларига қўллаб-ваколатлар берилди.

■ **Толибжон НИЗОМОВ**
«Mahalla»

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри тўғрисида»ги қонун асоси-да тизим фаолиятини мувофиқлаш-тириб борувчи Худудий кенгашлар-нинг ташкил этилгани эса, ушбу йўналишда амалга оширилаётган масъулиятли вазифалар самарадор-лигига хизмат қилмоқда.

Сўрхондарё вилоятида ҳам Худу-дий кенгаш фаолияти йўлга қўйилди.
— Унинг изчил фаолияти фуқа-ролик жамиятини ривожлантириш,

маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик-ни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Маҳалла» хай-рия жамоат фонди Сўрхондарё ви-лояти бўлими бошқаруви раиси, Худудий кенгаш раиси ўринбосари Арал Абдураззоқов. — Ёшларни Ва-тonga муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбия-лаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатлам-ларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш-ни янги босқичга кўтаришда кенгаш-нинг алоҳида ўрни бор.

> [2]

ИСЛОҲОТЛАР — ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН



Фаровон ҳаётга интилиш, янгиликка иштиёқ кучли

Истиқлол йиллари мамлакатимиз учун тараққиёт ва ривожланиш даври бўлди. Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиё-сат, тараққиётнинг «ўзбек модели» нечоғли тўғри эканини бугун жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

■ **Шокир ҲАБИБОВ,**
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қизилтепа тумани бўлинмаси раиси.

Мухтаром Президентимизнинг мам-лакатимизни 2013 йилда ижти-моий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган

иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкомасининг мажлисидаги «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожла-ниш, барча мавжуд имкониятларни са-фарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида амалга оши-рилган туб ислохотлар самараси атроф-лича таҳлил этилиб, халққимизни озиқ-ов-

қат маҳсулотлари билан таъминлашга эри-шилгани, гаппа, картошка, सबзавот, узум, гўшт, сут ва туҳум етиштириш кескин ош-ганлиги алоҳида таъкидланди.

Айтиш лозимки, ҳозирда фуқаролар-нинг ҳаётга муносабати ўзгарган, яхши яшашга интилиши, янгилик яратишга иш-тиёқни кучайган. Қизилтепа туманимизга ташриф буюрсангиз бунга ғувоҳ бўла-сиз. Пурвиқор тоғлар билан бўйлаша-диган маҳобатли бинолар, мактаб ва коллежлар, гўзал хиёбонлар, тароват-ли боғ-роғлар бу заминда меҳнаткаш, бахтли инсонлар истиқомат қилаётган-ини намоён этади.

> [2]

ЖОЙ НОМЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Давр ва тарихга ҳамоҳанг

Андижон — Асака йўлининг ярмини босиб ўтгач Дўнг қишлоғи бош-ланади. Маҳалла ҳам аини шу ном билан аталади. Бугун мамлақати-мизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ, қиш-лоқларда намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар қурилишга кенг эътибор берилаётгани туфайли йўлнинг икки томони замонавий бино-лар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кўркам, чиройли иморатлар билан ўзгача қиёфа касб этган.

■ **Абдумўтал АБДУЛЛАЕВ**
«Mahalla»

Аммо маҳалланинг номи унинг кўрк-таро-ватига мос тушмаган. Илгари бу ном ҳеч кимни ажаблантирмаган

бўлса, эндиликда фаоллар маҳалла номини ҳозирги давр талаби ва руҳига мос равиш-да ўзгартириш масаласини кун тартибига қўйишди. Улар ёшлар билан ҳамжиҳатлик-да «Дўнг» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Исмоиловга муурожаат қилишди.

Маҳалла раиси «Фуқароларнинг ўзини

БУГУННИНГ ГАПИ

«Ота-оналар университети»: моҳияти теран, масъулияти улкан

Бугун тарбия масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда, десак асло муболаға бўлмайди. Нега? Одатда, бу саволга қўллаб жавобларни тўкиб-со-лишга ошиқамиз. Аммо турли мулоҳазалардан чекинган ҳолда масаланинг бошқа томонига, аниқроғи, мазмун-мо-ҳиятига эътибор қаратсак, анча жўяли хулосаларга кели-шимиз тайин.

■ **Ю.ҲОЖИЕВА**
«Mahalla»

Тарбия қаердан бошланади? Албатта, оиладан. Лекин қач-он ва қандай мезонлар асоси-да? Бу анча мулоҳаза юритиб, аниқ жавобни талаб этадиган савол.

Ҳамма ҳам оилада камол то-пади. Эсимизни таниганимиздан бери нимагаки эришган бўлсак, бориси оила бағрида рўёбга чиқ-қан. Ақлу тафаккурда юксаклигу маънавий ва жисмоний жиҳатдан етукликка етишишда шу муқад-дас даргоҳ пойдевор. Демак,

оиладаги ҳаёт бу — ТАРБИЯ. Хоқ-лаймизми-йўқми бу даргоҳда олинган андозалар бизнинг БОР-лигимиз. Бу тарбия натижаси наинки сиёратимизда, балки су-ратимизда ҳам намоён бўлади. Ва мана шу мезон, халқимиз ибораси билан айтганда, «яхши тарбия кўрган» ёки «...кўрмаган» тарзида талқин қилинади.

Бундан икки йил муқаддам бери нимагаки эришган бўлсак, бориси оила бағрида рўёбга чиқ-қан. Ақлу тафаккурда юксаклигу маънавий ва жисмоний жиҳатдан етукликка етишишда шу муқад-дас даргоҳ пойдевор. Демак,



■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва фи-зиологик билимларини ошириш мақсадида «Ота-оналар универ-ситети»ни ташкил қилиш белги-ланган эди. Дастур ижросини Давлат дастурида фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари қошида ота-оналарнинг

Хотин-қизлар қўмитаси, Респуб-лика «Оила» илмий-амалий мар-кази, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хўнаар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш ҳамда Маданият ва спорт ишлари ва-зирликлари, Республика Маъна-вият тарбиёт маркази, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Сен

ёғиз эмассан» жамоатчилики бо-лалар жамғармаси ҳамкорлиги-да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида «Ота-оналар университети»ни ташкил этиш бўйича қўшма қарор имзоланган ва шу асосда унинг низоми тасдиқланган.

> [4]

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Машғулотлар ҳар жиҳатдан фойдали ва самарали

Жорий йилнинг 24 март — 2 апрель кунлари Қорақалпоғис-тон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида «Маҳал-ла» хайрия жамоат фонди худудий бўлим ва бўлинмалари ход-имларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, мафқуравий билимларини янада мустаҳкамлаш, бошқарув ма-ҳорати, малакасини ошириш мақсадида икки кунлик ўқув-семи-нарлари юқори савияда ташкил этилди.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга ет-казиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, бандликка қўмаклашиш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувват-лаш, фуқаролар йиғинларининг мод-дий-техник базасини янада мустаҳ-камлаш ҳамда соҳа ходимларига ус-лубий-амалий жиҳатдан ёрдам бе-ришда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмаларининг алоҳида ўрни бор.

Жамият ҳаётида тобора нуфузи

> [2]

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Кафтдек ердан катта даромад

Риштон туманидаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини то-морқадан омилкорлик билан фойдаланишда етакчи ҳудудлар си-расида эътироф этилади. Дехқонлар, боғбонлар меҳнати ҳар қанча мақтовга лойиқ.



■ **Расул КАМОЛ**
«Mahalla»

Гап шундаки, бу ерда эртапишар помидор, бодринг, қалампир ва бошқа зирavorлар етиштириш-

да илғор тажриба тўпланган. «Ёш-лик»да дехқончилик ишлари қиш қаҳратони ортга чекинмасиданоқ бошланади. Аниқроқ айтганда, фев-раль ойда бодринг уруғи махсус идишларга экилиб, иссиқ шaroитда ундирилади. Кейин кичик иссиқхона-ларда парваришланиб, ҳамал кел-иши билан очик майдонларга кўчи-риб ўтказилади ҳамда енгил қурил-малар билан беркитилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бун-дай иссиқхоналарда фақат бодринг кўчатлари орасидагина оччик қалам-пир, помидор кўчатлари бемалол униб-ўсаверади. Экинларни кўешнинг ўткир тафти ва турли зорарқунан-далардан ҳимоялаш мақсадида мак-кажўхори, картошка экиш ҳам анъ-анага айланган. Омилкорлик би-лан иш тутишга одатланган маҳал-ла фуқаролари бир фаслнинг ўзида кафтдек жойдан 4 мартагача ҳосил олишади.

> [3]



ЖОЙ НОМЛАРИ —
ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Давр ва тарихга
ҳамоҳанг

< [1]

Низомнинг 32-моддасига кўра, маҳаллаларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади. Яъни маҳалланинг номи ушбу ҳудудга мос бўлиши, аҳолининг фикри эътиборга олинishi, йигин аҳлининг географик, тарихий, миллий, этник, тили билан боғлиқ хусусиятлари ва маҳаллий аҳоли ҳаётининг бошқа хусусиятларини назарда тутган ҳолда тасдиқланиши керак.

«Дўнг» маҳалласи аҳолининг илтимосномасига биноан Асака тумани ҳокими Тоҳиржон Шаввезов географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича туман комиссиясига таклиф киритди. Комиссия ушбу таклифни ўрганиб, асосли деб топди ва уни кўриб чиқиш учун ҳақ депутатлари Асака шаҳор Кенгаши сессиясига киритди. Шундан сўнг «Дўнг» маҳалласи табииати, бугунги ҳаёт тарзига мос равишда «Кўркам» деб аталадиган бўлди.

— Авволлари жой номлари масаласида қандай ҳаракат қилишни, ҳужжатларни қай тарзда расмийлаштиришни, бу ишларни ким орқали амалга оширишни билмас эдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Асака тумани бўлини маси раиси Муқаддасхон Қурбонова. — Қолаверса, таклифларимиз йиллаб инobatта олинмай, турли даражадаги идораларда қолиб кетарди. Ушбу низом ишлаб чиқилганидан сўнг бу борадаги фаолиятимиз тартибга тушди. Яқин кунларда битта кишлоқ, 9 та маҳалла фуқаролар йигинининг номи низом талаблари асосида ўзгартирилди.

Чиндан ҳам ҳар бир объектнинг номи замонга ҳамоҳанг бўлиши керак. Мисол учун, туманда Ўзбекистон, Навоий, Асака номлари билан боғлиқ географик объектлар кўп. Ҳозир шу номдаги маҳаллалар «Барака», «Қамолот», «Ободлик» деб юритилляпти.



РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Ёруғ кунга, кутлуғ бахтга шукроналар кўп

Нуроний, ёши улугларимизнинг дастурхон атрофида, йигини маъракаларда эл-юртга тинчлик-осойишталик тилаб дуога қўл очиши шунчаки одат эмас, балки улар кўнглидаги соф ният, эзгу мақсаднинг мустаҳкамлигидан. Қолаверса, бу турмушнинг фаровонлиги, шод-хуррамлик, шуккуҳи кунларнинг белгиси эканлигини юртдошларимиз чуқур ҳис этишларидан далолатдир.

■ **КАРИМ ТОЙЛОНОВ,**
Жиззах вилояти
Бахмал туманидаги
«Қатортол» маҳалла
фуқаролар йигини раиси.

Моргузар тоғлари этагида жойлашган кишлоғимизда тўйлар, байрамлар фойзли ўтади. Айниқса, Наврўз ўзгача шоду хуррамлик билан нишонланиди. Республикамининг чекка тоғ ҳудудида жойлашган маҳалламиз нафoқат бe-такорр ва гўзал табииати, балки

Марҳамат туманида Т.Мирзаев номидаги маҳалла бор. У қадимий Эрши шаҳри ҳудудида жойлашган. Юқоридagi низомнинг 35-моддасида баён этилган «айрим маҳаллаларнинг тарихий номларини тиклаш зарур бўлганда...» деган хулосага асосан Т.Мирзаев номидаги маҳалла «Эрши» номи билан алмаштирилди. Бу таклиф маҳалла аҳолисидан чиққанлиги эътиборга молиқдир. Туманда жами 7 та маҳаллага янги ном берилди.

Нафсиламрини айтганда, ушбу низом «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ва туман ҳамда шаҳар бўлинулари ходимларининг малакасини ошириш учун ташкил этилган икки кунлик ўқув-семинарида пухта ўрганиб чиқилди. Бундан ташқари, шу йилнинг апрель ойида иш бошлаган фуқаролар йигинлари ходимларининг ўқув-курсларида ҳам ўргатилокда.

— Аввало, низом ўз вақтида ишлаб чиқилгани билан диққатга сазовардир, — дейди Фондининг Жалокудук тумани бўлини маси раиси Ҳабибулло Қўқоров. — Географик объектларни номлашда шошма-шошарлик, маҳаллийчилик, ошна-огайнигарчилик, хизмат мавқеини суистеъмоил қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Натижада айрим жойлар бир хил ном билан аталиб, бу ўхшашиклар фуқароларнинг адашишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозир ана шу ҳатоликлар борхам топяпти. Туманимиз «Жалокудук» деб номланганига қарамай, энг йирик кишлоққа ҳам ушбу ном берилган эди. Яқинда кишлоқ фуқаролар йигини Янгисор деб ўзгартирилди.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ тайёрланган ушбу низом жой номларини тартибга солиш, янгиллаш ва ўзгартиришда кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари учун муҳим қўлланма вазифасини утаяпти.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Машғулотлар ҳар жиҳатдан
фойдали ва самарали



< [1]

— Машғулотларда тингловчиларга Юртбошимизнинг қатор асар ва маърузалари мазмун-моҳияти, уларда илгари сўрилган ғоя ва устувор вазифаларни маҳалла фаолиятига татбиқ этиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бошқаруви раиси Маҳмуд Тоиров. — Шунингдек, семинарларда «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар ижросини маҳалла тизимида амалга ошириш механизмлари, шунингдек, Фонд ва фуқаролар йигинларининг бевосита фаолият йўналишига оид вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими ва унинг жойлардаги бўлинулари ходимларининг малакасини оширишга бағишланган семинарда 70 нафарга яқин ходимлар иштирок этди.

— Тониқли олимлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар томонидан интерфаол усулда ўтказилган машғулотларда ўзимизнинг низомдаги вазифаларимиз, уларнинг ижро механизмлари, солиқни сақлаш, таълим ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик усуллари юзасидан қимматли кўникма ҳамда тавсиялар

га эга бўлдик, — дейди Фондининг Хатирчи тумани бўлини маси раиси Жаҳонгир Қодиров. — Эндиликда ушбу тавсияларга амал қилган ҳолда маҳаллалардаги оилаларнинг ҳуқуқий совоқдонлигини ошириш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шунингдек, тингловчилар «Ота-оналар университети» фаолиятини янада жонлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, фарзандларимизни «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоялашда фуқаролар йигинларига услубий қўмақлашиш бўйича ҳам керакли маълумотларга эга бўлдилар.

Пойтахтимизда ташкил этилган ўқув-семинарларида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳамда туман бўлинулаларининг 80 нафар ходими иштирок этди.

— Семинарларда Юртбошимизнинг кейинги йилларда чоп этилган асарлари, маҳалла тизимида оид қабул қилинган қонун ҳужжатлари, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ва уларнинг ижросида маҳалла фаолларининг масъулияти муҳима қилинди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Аҳор

Ғуломов. — Фонд ходимларига фуқаролар йигинлари фаолиятига оид ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини шарҳлаб беришда етакчи мутахассислар маърузалари билан қатнашдилар. Айниқса, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи У.Убайдуллаев, «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ҳақида эса Тошкент шаҳор Адлия бошқармаси масъул ходими И.Раҳимовнинг маърузалари тингловчиларга манзур бўлди.

Семинарда ёшларни қасбга йўналтириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўламосорлаштириш, жамият барқарорлигини таъминлаш бўйича Фонд ходимларининг бошқарув кўникмалари янада мустаҳкамланди.

Замонавий ахборот коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда интерфаол усулда ташкил этилган амалий машғулотларда Фонд бўлими ва бўлинулари ходимлари соҳага доир ўзларини қизқирган саволларга атрофлиқа жавоб олдилар.

Ўқув-семинарлари, шунингдек, Жиззах, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

■ **Муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

ИСЛОҲОТЛАР — ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИ УЧУН

Фаровон ҳаётга интилиш,
янгиликка иштиёқ кучли

< [1]

Ҳудудимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони тобора ортиб бормоқда. Бу эса кишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратиш ҳамда саноатни ривожлантиришга омил бўлаётир. Жўмладан, кийим-кечак ва коржомалар тикишга ихтисослашган «Ишчи кийим таъминот», сутни қайта ишловчи «Адиз бобо» корхоналари фаолияти фикримиз далилидир.

Ўтган йилда туманимизда 80 та намунавий лойиха асосидаги уй-жой қурилди. Айни пайтда уларда ёш оилалар истиқомат қилмоқда. Азизобод,

Ғойибон, Рўзибийн ва Ўзбекистон масивларида барпо этилган бу уйларда яратилган шароитлар шаҳардагидан асло қолишмайди. Мазкур уйлар фуқароларга гўзал ҳаёт инъом этиши билан бирга ҳудудлар кўрқига кўрк қўшмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили туман марказида фарзандларимизнинг барқомол бўлиб вояга етиши учун хизмат қилувчи муқташам Мусиқа ва санъат мактаби қуриб фойдаланишга топширилди. Айни кунда ушбу даргоҳда ўғил-қизлар миллий санъатимиз сирларини ўрганиш баробарида жаҳон санъати дурдоналари ҳақидаги билимларга ҳам

эга бўлмоқда.

Шунингдек, аҳолини табиий газ, тоза ичимлик суви ҳамда электр энергияси билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириляётир. Жорий йилда ҳудудимизда яна 80 та намунавий лойиха асосидаги уй-жой бунёд этилмоқда. Энг азиз, энг улўғ айём — Мустақиллик байрами арафасида бу турроржойлар ўз эгаларига топширилади.

Муқтасар айтганда, мамлакатимизда амалга ошириляётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — юрт тинчлиги, фуқаролар фаровонлигини таъминлашдан иборат.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фаолият
мувофиқлиги —
самарадорлик
омили

< [1]

Айни пайтда кенгашининг мақсад ва вазифалари хусусида фуқаролар йигинлари фаоллари ўртасида кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Ҳозиргача вилоятдаги барча туман ва Термиз шаҳрида мазкур кенгаш тузилди. Шунингдек, Бойсун, Шўрчи, Ангор, Олтинсой, Шеробод туманлари ҳамда Термиз шаҳридаги фуқаролар йигинларида кенгаш фаолиятига доир семинарлар ташкил этилди. Эндиликда бошқа маҳаллаларда ҳам шу каби тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Ҳудудий кенгаш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада тақомиллаштириш, ижтимоий шериклик муносабатларини шакллантиришдек долзарб масалаларга эътибор қаратади.

Кенгаш томонидан миллий ва умуминсоний қадриятларни эъозлаш, ҳалқимизнинг энг яхши удум ҳамда анъаналарини асраш, уларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз», «Ёшлар «оммавий маданиятга» қарши» сингари тадбирлар ўтказилди.

Фуқаролар йигинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳам кенгашининг доимий эътиборида. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги 22 та фуқаролар йигини компьютер жамланмаси, 18 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. 36 та маҳалланинг биноси таъмирланиб, ушбу мақсадга Фондининг вилоят бўлими ва туман(шаҳар) бўлинулари ҳисобидан 160 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ўз фаолиятини қонунийлик, ошқоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида олиб бораётган ушбу тузилма томонидан «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида жорий ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари билан музокаралар бошлаб юборилди.

Муқтасар айтганда, Ҳудудий кенгашлар фуқаролар йигинлари фаолиятининг ташкиллий асосларини янада тақомиллаштириш, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишига қўмақлашиш, улар фаолиятидаги муаммоларни тизимли ҳал қилиш юзасидан аниқ таклифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.



ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Кичик командирларга
сертификатлар
топширилди

Шарқий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактаби битирувчиларига сертификат ва сержантлик кўкрак нишонлари топширилди.

■ **АСАТТОРОВ,**
ЎзА муҳбири.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали маросимда Наманган вилояти ва туманлар ҳокимликлари, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, битирувчиларнинг ота-оналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатимиз мудофиа соҳасида амалга оширилётган ислохотлар, хусусан, миллий армиямиз учун малакали кадрлар тайёрлашга қаратиляётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Шарқий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактаби Қўролчи Кучларимизга жисмоний, маънавий ва жанговар тайёргарликка эга малакали сержантлар тайёрлаб бермоқда. Мактабда

тобланган кичик командирлар турли қўшинлар таркибида сарҳадларимиз дохилсизлиги, тинчлик-осойиштагимиз, ҳавфсизлигимизни таъминлаш йўлида садоқат билан хизмат қилмоқда. Ўтган даврда мактаб битирувчиларининг йигирма саккиз нафари давлат муқофотлари билан тақдирланган, қирқ уч нафари «Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири» кўрик-танловлари голиби бўлгани ўқув даргоҳининг салоҳиятидан далолат беради.

— Бизнинг оилани ҳарбийлар оиласи, дейиш мумкин. Уч акам ҳарбий, мен ҳам шу қосбни танловди, — дейди битирувчи Аҳмаджон Утанов. — Бундан фойрламанан. Мактабда олган билим ва кўникмаларини миллий армиямиз сафларидagi хизмат давомида янада тақомиллаштириш, ота-онам, халқимиз ва Президентимизга садоқат билан хизмат қилишга вояда бераман.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ЭЪТИБОРДА

Кафтдек ердан катта даромад



■ Ш.ҚОРАВОВ оingan сурат.

— Маҳалламизда томорқачилик кун сайин ривож топмоқда, — дейди «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзур Чўлпонова. — Худудимиздаги 560 та хонадоннинг уч минг нафардон зиёда аҳолиси 55 гектар томорқада деҳқончилик қилади. Жорий йилнинг ўзига 451 та хонадонда иситиш мосламаларисиз иссиқхоналар ташкил этилгани тўғрисида бир вақтнинг ўзига 3-4 турдаги сабзавот маҳсулотлари етиштириш имконияти бор. Бундан ташқари, экиндан бўшаган майдонларга ошқўқлар етиштириш ҳам оммолашган. Томорқадан олиноётган даромадлар кўпими аҳоли жон бошига 1 миллион 500 минг сўмдан тўғри келмоқда. Шунингдек, чорвачилик, поррандациликдан келаётган даромадлар ҳам оила бюджетига самарали улуш қўшоётир.

Маҳаллада экин майдонларидан барча унумли фойдаланяпти. Агар бирор киши бу ишларда оқсаса, унга фоллар кўмағида амалий ёрдам бериш одат тусини олган. Шу боис маҳаллада томорқачилик кўпими кенгайтириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ишлари тизимли ташкил этилган. Айни кунгача томорқачиликни ривожлантиришни мақсад қилган 100 нафардан ортик фуқарога уруғ, кўчат, минерал ўғит ва бошқа керакли жиҳозлар харид қилиш учун 15 миллион сўмдан зиёд имти-

Ҳамжиҳатлик ҳар бир ишнинг мезонига айланган

Гулистон давлат университети талабалари Аброр Абдураззоқов ва Шароф Соипов боқувчисини йўқотган оила фарзандлари бўлгани боис ўқув-шартнома пулларини тўлашда қийналиб қолишди. Улар ёрдам сўраб ўзлари яшайдиган «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилишди. Йиғин тавсиясига асосан зарур маблағ «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви томонидан тўлаб берилди.



■ Н.ХАЙДАРОВ оingan сурат.

■ Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Бугунги кунда Фонднинг худудий тузилмалари ҳамда фуқаролар йиғинларига келиб тўшаётган мурожаатлар ўз вақтида қаноатлантирилмоқда. Зеро, ҳар бир ариза ортида бир инсоннинг умиди ва, албатта, ишончи бор. Шу боис аризалар ижросини ўрганиш мақсадида Фонднинг Сирдарё вилояти бўлими томонидан махсус чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, барча туман(шаҳар) бўлинмаларига етказилди. — Сўнгги пайтларда фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ муаммолар бевосита жойларнинг ўзига ҳал этилаётгани тўғрисида аризалар сони сезиларли даражада камайди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими бошқаруви раиси Бахтиёр Товбаев. — 2013 йил давомида ҳамда жорий йил-

нинг ўтган даврида Фонднинг бўлим ва бўлинмаларига жисмоний шахслар томонидан 25 та, юридик шахслардан эса 123 та мурожаат тушди. Уларнинг 38 таси ижобий ҳал этилиб, 110 таси қўриб чиқиш учун юқори ташкилотларга жўнатилди.

Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 352 та фуқаролар йиғинида алоҳида қабул хоналари ажратилиб, уларни зарур жиҳозлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, фуқаролар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўлича амалий ишлар қилинмоқда.

— Аҳолидан тўшаётган аризалар билан ишлашимизда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» қонун муҳим дастуриламал бўлмоқда, — дейди Фонднинг Янгйер шаҳар бўлинмаси раиси Равшан Ҳўжаев. — Унинг 11-моддасида фуқароларнинг тақлиларини тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида қўриб чиқилиши қайд этилган бўлса, 12-моддасида барча даражадаги депутатлар,

давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назор, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар фуқароларни шахсан қабул қилишлари шартлиги ҳамда қабул мўнотазм, белгиланган кун ва соатларда, фуқаролар учун қўлай вақтда ўтказилиши белгиланган. Шунга мувофиқ, ҳар ойда бир марта фуқароларнинг мурожаатлари бўйича йиғилиш ўтказишни йўлга қўйдик.

Саломатлигини тиклаш учун маблағ сўраб ёзилган аризаларнинг ижросига ҳам Фонд бўлинмалари мутасаддилари алоҳида эътибор қаратишмоқда. Яқинда Мирзаобод тумани бўлинмасида 1 гуруҳ ногирони Шаҳноза Абдувоҳидова мурожаати ўрганиб чиқилиб, жарроҳлик амалиёти учун унга 1 миллион 969 минг сўм маблағ ажратилди.

Ховос туманидаги «Тинчлик» маҳалласида яшовчи фуқаро Зулайхо Зулҳайдарова туман ҳокимлигига уй-жойини таъмирлашда кўмаклашишни сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Ҳокимлик мутасаддилари ушбу масалани Фонднинг туман бўлинмасига юборишди. Мазкур ҳолат ўрганиб чиқилгач, аризачининг уй-жойи таъмирланишига етарли маблағ ажратилди.

— Фуқаролардан тўшаётган аризаларни ўз вақтида қўриб чиқишни, натижалари тўғрисида мўлалифларга ёзма жавоблар юборишни, мурожаатлар юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилиши жараёнини назоратга олганимиз, — дейди Оқолтин туманидаги Аҳиллик қишлоқ фуқаролар йиғини тарихидидаги «Ғалаба» маҳалласи раиси Ойгул Қиличова. — Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида фуқаролардан келиб тушган 10 га яқин мурожаатнинг ижроси таъминланди.

Шунингдек, жорий йилнинг шу даврига қадар бўлинма томонидан 3 нафар жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклашилди. Мисол учун, шу мақсадда мурожаат қилган Ховос туманидаги Гулбоҳор қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Зарнигор Бозоровага 400 минг сўм, «Чаманзор» маҳалласида истиқомат қилувчи Гулҳаё Қайнаровага 500 минг сўм, «Дўстлик» маҳалласида фаоли Зарифа Исқандаровага 500 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Дарҳақиқат, мурожаатларга ўз вақтида жавоб қайтариш аҳолининг маҳалла институтига ишончини янада оширади. Бу эса халқ билан хамнафас, хамфикр бўлиш, кишиларнинг ҳаётини янада чуқурроқ ўрганишда муҳим асосдир.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Qishloq Qurilish Bank Молиявий кўмакдан баҳрамандмиз

Бугун юртимизнинг қайси ҳудудига борсангиз, тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришдаги янгиликларини эришяётган ютуқларига гувоҳ бўласиз. Соҳада ишбилармон аёлларнинг сони ортаётгани янада қўвонарли. Зотан, мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуслари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига улкан имкониятлар яратилиб, аёллар тадбиркорлигига алоҳида аҳамият берилмоқда.



■ Сарвархон РЎЗИМАТОВА, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани «Ягона ҳамкор нури» МЧЖ раҳбари.

Аёл зоти эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлса, бор имкониятини ишга солади, албатта. Севимли соҳасида тадбиркорлиқни йўлга қўйса, қўзланган натижаларга эришмагунча тиниб-тинчимайди.

Мен чеварман. Аввалига маҳалла-кўйнинг буюртмаларини бажариб юрдим. Яратилган имкониятлардан, мен каби хунармандлар эришяётган муваффақиятлардан руҳландим. Бу эса Қўрғонтепа туманида «Ягона ҳамкор нури» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этишимга туртки бўлди. Корхонамизда асосан замонавий, миллий эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилади. Махсулотларимизга аҳоли орасида талаб катта. Албатта, бу ютуқларимизда доимий ҳамкоримиз ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг ўрни алоҳида.

Корхонамиз ташкил этилган кундан бошлаб ҳозиргача банкнинг доимий кўмағидан баҳрамандмиз. Жумладан, 2012 йили трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун банк томонидан 250 миллион сўм миқдоридида кредит ажратилди. Ушбу молиявий мадад бизга нафақат моддий таянч, балки руҳий далда ҳам бўлди. Шу боис ҳамкоримиз ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»дан миннатдоримиз. Кредит маблағини тўғри йўналтирганимиз тўғрисида ҳозир туманимиз аёлларидан 40 нафари доимий иш билан таъминланди. Шулардан 10 нафари коллеж битирувчиларидир.



Молиявий кўмак тадбиркорлик фаолияти ривожига қўл келади. Корхона ишлаб чиқариш қувватининг ортиши айнан ушбу омилга боғлиқ. Чунки шу асосда махсулотларимиз тури, даромадимиз салмоғи ортади. Ўтган йил давомида 160 000 донадан ортик трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди. Махсулотларимиз маҳаллий бозорда ўз ўрнига эга.

Келгусида болалар кийимлари ҳамда аёл ва эркаклар учун турли хилдаги пайпоқлар ишлаб чиқаришни ва уларни хорижга экспорт қилишни режалаштирмоқдамиз.



■ Ўза оingan суратлар.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

Ният ва амал уйғун

Меҳр-оқибат, ғамхўрлик ва саховат каби халқимизга хос ғазилатлар маҳаллада сайқал топади. Аслида, бу қадриятлар ният ва амал уйғунлиги боис ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

■ Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантиришдек эзгу амаллар фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари вазифалари сирасига киритилгани бежиз эмас.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Паркент тумани бўлинмаси томонидан айни йўналишдаги ишлар тизимли йўлга қўйилган. Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар

ҳамкорлигида кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳамда кўп болали оилаларга кўмак берилиб, улар ҳолидан хабар олинмоқда.

Фонд туман бўлинмаси раиси Фахриддин Дадамовнинг таъкидлашича, эҳтиёжманд оилаларнинг турмуш тарзи, айниқса, болаларнинг моддий фаровонлиги, уларнинг ишлар тизимли йўлга қўйилган. Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар

мо диққат марказида.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлинма томонидан кам таъминланган оилаларга 1 млн. сўмга яқин моддий ёрдам, 2 та хонадонга бир бошдан қорамол, ёш оилаларга мебель жиҳозлари тўхфа этилди.

— Турмуш ўртоғим вафот этганидан сўнг 3 нафар фарзандим билан ёлғиз қолдим, — дейди «Қушшукўр» маҳалласида истиқомат қилувчи Моҳигул Тожиева. —

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунни ушбу муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Унда мустаҳкамланган қондалар фуқароларни сифатсиз товар ҳамда хизматлардан ҳимоялайди. Жумладан, 12-моддада мустаҳкамланганидек, истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан, радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа меъёрлар ҳамда қондаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига, шунингдек, мол-мулкига зарар етказмаслигига қоғолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиги, мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга ҳавф тўғдирувчи товар ишлаб чиқаришнинг (иш бажарганилик, хизмат кўрсатганилик) учун қонун ҳуж-

жатларига мувофиқ жавобгарлик белгиланган. Бундай вазиятларда етказилган зарар қопланиши мазкур қонунда белгилаб қўйилган.

Бугун тадбиркорларга яратилётган қўлай имкониятлар молиявий хизматлар турини ҳам кенгайтироётир. Ушбу қонуннинг 28-моддаси айнан молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган. Унда қайд этилган талабларга кўра, молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг туғатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назорат тутган ҳолда истеъмолчининг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши, истеъмолчига етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида сулоба шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига хабар бериши шарт.

ҳуқуқларини ҳимоялашга доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳамда боғлиқ масалаларда фаоллик кўрсатаётир. Бундан ташқари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси ва унинг худудий тузилмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими комиссияларнинг ҳам аҳоли истеъмол маданиятини юксалтиришда ҳиссаси катта бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг

Юртимизда бу борада ҳуқуқий база шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг худудий идоралари жойларда фаолият олиб бормоқда. Улар истеъмолчиларнинг